

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

013 у.р. "30" январ

№ 93-К.

Самарқанд т-р Самарқанд

Фуқаро Махмудов Зафаржонга пардозлаш
ғиштлари ишлаб чиқариш цехи қуриш
учун ер майдони танлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, "Қишлоққурилишлойиха" масъулияти чекланган жамияти томонидан тасдиқланган 2012 йил 14 ноябрдаги № 484-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фуқаро Махмудов Зафаржонга пардозлаш ғиштлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 0,32 га ер майдони танлаш ҳақидаги ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Махмудов Зафаржонга пардозлаш ғиштлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун "Мотрит-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 352-контуридан жами 0,32 га (шундан: 0,32 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар хисобидан) ер майдони танлансин.

3. Пардозлаш ғиштлари ишлаб чиқариш цехи қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Махмудов Зафаржонга топширилсин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев